

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлда чиқа бошлаган.

№ 167 (6. 956)

1989 йил 21 июль, жума

Баҳоси 3 тийин

Илмий-техника тараққиёти йўлида

И ж о д и й изланишда

ШАҲАР электр транспорти — мураккаб механизм, унинг равнақи асосан мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларига боғлиқ. Электр транспорти корхоналарида ҳар хил қўрилма ва жиҳозлар — термолластик автоматлардан тортиб то кўча суғурувчи машиналаргача — ҳаммасидан фойдаланилади. Йўловчиларга сифатли ва самарали хизмат қилиш асосан ана шу техник воситаларнинг иш сифатига боғлиқ.

Трамвай-троллейбус бошқармасида 505 та трамвай, 397 та троллейбус, 58 та тармоқларга электр энергиясини улашувчи станция, 165 та автомашина ва махсус техника, 298 та метаталга қайта ишлов беришчи дастгоҳ, 70 та темирчилик-пресслаш қўрилмаси, электр пайвандловчи ва ёғочга ишлов беришчи, йўл ҳўжалигида эса қўрилмалар хизматидан фойдаланилади.

Албатта, ҳаракат составлари қатновига катта эътибор берилляпти. Бошқарма ва депо техник хизмати раҳбарлари янгиликлар яратиш ва техник экспериментлар ўтказишга алоҳида ёндошадилар. Шунинг учун ҳам электр транспорти корхоналари ҳамма турдаги техника бўйича план кўрсаткичларини баъкириб келмоқдалар. Лекин бу жараён трамвай ва троллейбус ҳаракати учун ишончли қафолат бўлмайди. Энг асосий масала — қандай ҳажмда, қандай ремонт қилишда.

Моддий-техника таъминотини тўлиқ таъмин, этиш ҳаракат составлари ишининг ишончли бўлишига муҳим омил бўлди. Кейинги вақтларда бу иш ҳам боши бериб кўчага кириб қолмоқда. Кундан-кунга электр транспорти учун зарур бўлган кўндан-кўн эҳтиёт қисмлар заводларда иқтисодий манфаатни оз қилибди ашлаб чиқаришдан бутунлай олиб ташланмоқда.

Кундалик кузатишлар шунинг тақозо этишдаки, вагон ремонтини завод, деполар бор имкониятларидан кўриб сарфанида фойдаланиб, ҳаракат составлари учун эҳтиёт қисмларининг ҳар хил турларини тайёрлашни ўзлаштиришлари ва тайёрлашлари лозим. Ана шундай йўналишда ҳормай-томай ишлаётган 2-троллейбус ва «Красноосточное» деполарида эҳтиёт қисмларнинг 200 турини яратиб, ҳаракат составларини тўзатишда тўлиқ фойдаланишмоқдалар. Бунинг учун етарли маблаг акратилган. Эҳтиёт қисмлар тайёрлашни ўзлаштириш бундан кейин ҳам давом этади.

Ҳозирги кунда ремонт сифати ва самардорлигини кўтартиш трамвай «деволовчилар»нинг масъулияти бурчи ҳисобланади. Ишчи фақоли номини берадиган маҳини билан оқлаб келаётган Ф. Каримов, Р. Тўлганов, А. Муҳаммадов, ҳамда Л. Рассудин, Ш. Расулов, Б. Зондовлар кўнлик иш нормаларини 1,5 ҳисса адо этиб, касбдошларига ибрат бўлмоқдалар.

Электр транспорти корхоналари ҳозиргача 180 та оммавий техникани жорий этиб 344,2 минг сўм соф фойда кўрдилар. Бошқарма ижодкорлари томонидан яратилган 773 та рационализаторлик таклифи эса 462,3 минг сўм фойда берди.

Янги техника сирларини очган вагон ремонтини заводнинг тоқари Н. Кузнецов, ўзининг билимдон ва тажрибали эканлигини амалда исботлади. Техникани жонидили билан ардоқлаб келаётган бу ижодкор йўлнинг уч йил мобайнида 35 та янгилик яратди. Ҳозирда трамвай ва троллейбусларнинг ремонт самардорлигини оширган қашфийётлар давлатга 52 минг сўм фойда келтирди. Рангли металлнинг янги

қўйиш системасини ўзлаштиришдан сўлқам 6 минг сўм фойда олинди. Ижодий изланиш ҳар бир электр транспорти учун муҳим. 2-трамвай депосида ҳам тармоқлар кенгайиб борапти. Электр слесарь Роман Ли 72 та рационализаторлик таклифини ҳайта тадбиқ этишга муваффақ бўлди. У ижод этган янгиликлар давлатга 32 минг сўм даромад келтирди. Биргина трамвайларда янги тўрмоз системасининг рефес устида ишлаш услуби 2,5 минг сўм тежасди.

Корхона маъмурияти, партия ва комсомол ташкилати ВООР Совети билан биргаликда ёш ишчиларни янги техникани таъминлаш бўлишига торттибна қолмай, ишчан рационализаторлар орасида қўрик-конкурслари ташкил этди. 43 та рационализаторлик таклифидан 35,3 минг сўм фойда олишга эришган «Красноосточное» депои техника бўлимининг бошлиғи, Тошкент области ёшлари орасида Бунтунтифоқ илмий жамияти рационализаторлик лауреати бўлган А. Ривкин ижодкорлар конкурсида биринчи ўринни эгаллади. Янгиликка интилувчилар Г. Шаимов, О. Чубровская, В. Югай, С. Кургин, М. Кимлар ижодий изланиш йўлида камол тошмоқдалар. Бу ижодкорлар яратган янгилик 228 кишининг қўл меҳнатини енгиллаштирди.

Ижодкор электр транспортчилар ўн иккинчи беш йилдакининг тўрттинчи йилда янги техника сирларини кўпроқ очиб иштирокида. 266 та рационализаторлик таклифини ҳаётга тадбиқ этиб, фойда олиш ниятида. Бу режалар ўн иккинчи беш йилда 1 миллиондан 315 миллион йўловчи га намунали хизмат кўрсатишга қўмқлашадилар.

Ф. АБДУРАХИМОВ,
С. АЛИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

20 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Фарғона областидagi фожиаги воқеалар ҳамда партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъулияти тўғрисидаги масала тингланди. (Ушбу масалага доир қарор, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссиясининг хати матбуотда тўла-тўқис эълон қилинади).

Уй-жой қурилиши «Оқшом» назоратида

Жон роҳати

● 2000 ЙИЛГАЧА аҳолини алоҳида квартира билан таъминлаш Программаси нинг баъкиришга катта ҳисса қўшаётган 12-трестга қарашли 50-қурилиш бошқармасининг коммунист Йўлдош Шобилолов етакчилиги қилаётган комплекс бригадаси қурувчилари саксон квартираларни тўртта уйни сифатли қуриб, муддатидан олдин фойдаланишга топширдилар.

— Бу уйларида яшаш жон роҳати, — дейди прораб М. Бобоев биз билан суҳбатда. — Ўшндан қурилган, кенг ойнаванд балкони ва бошқа қулайликларга эга бўлган

тўрт қаватли бу биноларда яшайдиган ҳамшаҳарларимиз албатта қурувчиларимиздан хурсанд бўлишди. Янги бинолар аввали биланларга қараганда баъзи муҳим ўзгаришлари билан фарқ қилади. Қайта қуриш шарофати билан кейинги пайтларда одамларнинг ҳақли истак ва хоҳишлари эътиборда олинди, бую лойиҳасига қўйилган зарур ўзгаришлар киритилди: жумладан юқори қаватдаги хонадонларнинг шифти ёзининг жазира-ма иссинида қизиб кетмаслиги учун бинонинг томи ша-моллатиладиган усул билан қурилди. Пол қисмига эса

овоз ютувчи қоринмалар билан ишлов берилди.

Бинонинг қад ростлашда, ҳар бир элементнинг лойиҳада кўрсатилганидек ўз ўрнида бўлиши ва сифатли қурилишда давлат қабули талабчан ҳодимларнинг роли катта бўлди. Уларнинг қатъий ва ҳақли талаблари асосида ғайрат билан меҳнат қилган А. Абдуворисов, А. Мусаев, Х. Халилов, О. Сайитов, П. Гашинов, К. Хараминов каби азамат қурувчиларимиз ўрнат бўлдилар. Болалар майдончаси, ювилган кийларни ёйиш учун алоҳида майдонча, ота-оналар учун дам олиш жойлари, енгил

машиналарни қўйиш учун ажратилган алоҳида майдонлар бўлаёкан хонадон соҳибларини ҳўшнуд қилса керак, деб ўйлайман.

Шу кунларда саксон оила учун янги уйга кўчиб ўтишдек қувончли кунлар бошланди. Тез орада бу ерда кичикнотларнинг қутури-чугури-ю янги қўшниларнинг ўзаро табриғи бошланди.

Бригада қурувчилари эса навбатдаги биноларни қуришга киришдилар.

М. ОТАХОНОВ,
ТошДУ журналистичи факультетининг битирувчиси.

Экономика янгиликлари

Консорциумда семинар

Ўзбекистон машинасозлик комплекси қўпгина корхоналарнинг етакчи мутахассислари «Средазкабель» бирлашмасига ишлаб чиқариш қўвватини ошириш тажрибасини ўрганишга келдилар. Бу ерда бўлиб ўтган семинарда завод директорлари ва бош инженерлари, етакчи иқтисодчилар, партия ҳодимлари иштирок этдилар. Кабельнинг ишлаб чиқариш коллективларига ижарага бериш борасидаги тажрибаси мунозарига мав-

зу бўлди. Бош корхона — «Ташкенткабель» заводи — эндиликда олдий матнодаги завод эмас, кооператорларнинг таъминот, ишлаб чиқариш ва махсудотини сотиш, меҳнатига ҳақ тўлашнинг қўпгина асосий муаммоларини мустақил ҳал этадиган ўзига ҳос консорциуми бўлиб қолди. Мана шу қайта қуриш сурункали орқада қолиб келаётган бирлашманинг номенклатура бўйича 2,5 минг тонда махсудот етказиб беришни юз фозис уудалашига, қарзлари-

нинг анчагина қисмидан қўтилишига имкон берди.

Семинар иштирокчилари кишиларнинг пировард натижалардан манфаатдорлиги ўсганини, иш ҳақи сезиларли тарзда ошганини қабил ютуқларига ҳам ишонч ҳосил қилдилар, ҳолбуки кабел махсудотлари нархи эса илгари қандай бўлса ҳозир ҳам ўшандай-личига қолган. Демак, меҳнат унумдорлиғи кескин ўсишга эришилган.

(ЎЗАТ).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қиламиз

Тилим ҳақидаги ташвишларим

Қонун лойиҳасини тузган кишилар анчагина ҳадиқ-сираб ишлагани унинг мазмунидан уфуриб турибди. Биринчи қаватда «Ўзбекистон ССРда давлат тили ўзбек тилидир» дейилади. Лекин бошқа қаватдаги рус тили ва ўзга тиллар ҳақидаги таклифлар унинг мазмунига мантқан эйдир. 2-бобнинг 7-моддасида Ўзбекистон ССР гражданини давлат ва жамоат идораларига давлат тилида ёки бўлмаса ўзлари биладиган тилда муножаат қилишлари мумкин дейилган. Лойиҳани яратувчилар чамамда Ўзбекистоннинг ўзиди бир неча ўндай ортқ миллиятлар яшашини унутиб қўйишган қўрилади. Шундай экан Ўзбекистон ССР граждани бўлиб бошқа миллиятга мансуб кишилар ана шу моддага риоият ўз ҳуқуқларидан фойдаланишдан бўлишса, унда ҳар бир давлат ва жамоат муассасаси штатда ўнлаб тилмошулар ўнлаб турли тўғри келадил. Бундай ҳолда ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилишдан нима манфаат бор? Бошқа боб ва моддаларда ҳам ана шундай ноаниқликлар ва икки-ланлишлар кўп.

Лойиҳа ҳақидаги фикрлар баён қилинган газеталарини ўқиб, айрим кишиларнинг ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилинишига қар-пин дадил эътирозларини кўриб ҳайрон қоласан киши.

Ана шундайлардан бири аб-разив комбинатининг бош директори А. В. Хетайидир. Бу кишига сиз нима дейсиз, ерли миллиятини тилини билмаслик унга нисбатан беҳур-матлигининг бир қўриниши эмасми, деб савол беришса, у киши нима деб жавоб берибди дент? Мен японларни жуда ҳўрмат қиламан, аммо уларнинг тилини билмайман-ку, дебди...

Муҳокамага қўйилган ҳўж-жатда рус тилига катта эътибор берилган. Рус тили биз учун улўз тил ва бизнинг қўмағимизсиз ҳам у улўзгича қолаверадил. Республикаимиз халқ таълимотида уни чуқуруқ ўрганиш учун имконият яратиш зарур ва бу йўлда маблагини айлдан қўчиш керак. Лекин уни иккинчи давлат тили қилишнинг нима ҳўжати бор? Рус тилининг маъқеи лойиҳада кўрсатилгандек қўлиб қабул қилинса, унда ўзбек тили шу пайтгача қай аҳволда бўлса, шундайлигича қолаверадил. Ҳўзир ўз она тилимизнинг ривожланиши учун унга давлат мақоми берилиши лойиҳада кўзда тутилган экан, реал ҳаётда ҳақиқатан шундай бўлиши учун курашмоқ лозим. Акс ҳолда ортага бармоғимизни тийлаб қўлиб, келажак авлод олдида уятга қоламиз.

Х. БАХТИЕРОВ,
Тошкент шаҳар партия комитетининг инструктори.

ФЕСТИВАЛЬ ФИЛЬМИ ТОШКЕНТГА БОРАДИ

МОСКВА. XVI Москва Халқаро кинофестивалини ниҳоясига етди, бироқ Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонлари унинг программаси билан таниш-ла-риш мумкин. Конкурс ленталаридан бири — Жанубий кореялик киноусталарининг «Юксал» кертисаси Тошкентда намойиш этилади. Фильм ижодкорлари Ўзбекистон пойтахтига жўнаб кетдилар. Дароқе, мана шу картинада актриса Кан Су Ённинг ижро этган роли фестивалда энг ахш аёл роли, деб эътироф этилди. У «Бронза Георгий» совринига сазовор бўлди.

— Мен Москва фестивалида биринчи марта иштирок этдим, шўхсан мен учун фестивал муваффақиятли бўлганид-гидан жуда бахтлиман, — де-ди актриса. — Энди Тошкентга бўладиган сафарини сабр-сизлик билан кутаяман. Бунинг устига у ерда жуда кўп

корейлар яшашини айтишди. Тошкентликлар билан ҳар бир энги уршуву — ҳаётнинг тур-ли қирраларини енгилга ана бир ҳадамдир.

Жанубий Корея кинемато-графичилари Олимпиадага ҳам бориш ниятидадиллар.

(ЎЗАТ).

Абитуриент—89

ҲАЯЖОНЛИ КУНЛАР

○ Халқлар дўстлиги орденли Тошкент халқ ҳўжалиғи институтини ҳўқлиси ёшлар билан гавжум. Кимдир имтиҳонда кириш оиларини энтиқиб кутадил, бошқалар эса чиқаришдан қўчиб келишди: жилмайиб, маъсуланиб. Қабул комиссияси аъзолари бир зум бўлса-да тиниш биллишмайдил. Институт қабул комиссиясининг масъул котиби, иқтисод фанлари номзоди, доцент Фаттулла Шўкурович Каримовни топиш осон бўл-майдил. Бўш вақтлари йўлқини кўриб турсам-да, озгина сўх-бешлашиб олсини у кишидан илтимос қилимди.

— Мерҳамат, — дедилар рози бўлиб. — Бу йил институтимизга 950 студент қабул қилинади. Шўндан 125 таси тайёрлов факультетидан ўтади. Уқишга кириш истағида беш ярим мингга яқин киши ариза берди.

— Бу йил янги мутахассис-ликлар тайёрлайдиган бўлимлар очилдими?

— Албатта. Иқтисодий ва социал планлаштириш факультетида «Меҳнат иқтисоди ва социологияси», молия-кредит факультетида «Нарх-навоини таъкил қилиш», савдо-сотиқ факультетида «Моддий ресурсларни бошқариш ва ишлаб чиқариш воситаларининг ул-ғуржи савдосини таъкил қилиш», сиртки ҳисоб-молия факультетида «Назорат ва ревизия» иқтисодиликлари бўйича ҳам кадрлар тайёрланади.

— Абитуриентлар билан ишлаш қандай таъкил этилган?

— Биринчи навбатда авто-матик бошқариш системасидан кенг фойдаланялмиз. Ўзбек ва рус тилларида «Институтга кирувчилар учун қўлланма ва қабул қондалари» методик қўлланмалари чиқарилди. Математика, жамиятшунослик, тил ва адабиёт фанлари бўйича ҳам методик қўлланмалар тайёрландил. Бу таъриба йил бошида Фарғонада ўтказилган йил-ғилишда Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиғи томонидан республиканинг бошқа олий ўқув юртиларига ҳам тавсия этилди.

Эзма иш топширганларнинг баҳоси эртасига эрталаб эълон қилиниши билан бирга, улар ишлаган масаланинг ечим-и ҳам берилади.

— Дароқе, шикоят комис-сиясига муножаат этаётганлар кўп эмасми? Баҳолашда адолатсизликлар бўлмаяпти-ми?

— Норози бўлиб шикоят комиссиясига бораётганлар кўп эмас. Муножаат этишчилар комиссия аъзолари иштирокида ота-оналари, мутахассислар билан олган баҳоларининг



Суҳбатини
Р. БОВОМУҲАМЕДОВ
ёзиб олди.

СУРАТЛАРДА: институтга кириш имтиҳонларидан лавҳалар.

Т. Каримов суратлари.



Оралиқ маррадаи ўйлар

Мамлакат 52-чемпионати биринчи лига командалари оралиқ маррага етиб келишди. (Лангхутининг «Гурия», Тюменнинг «Геолог», Кутаисининг «Торпедо» ва Симферополнинг «Таврия» клубларидан ташқари). Бу йилги биринчилигининг ярим ортада қолди. Узил-кесил ҳулоса чиқаришга ҳали вақт эрта. Аммо клубларнинг сараги

саракка, пучаги пучакка ажралди, десак ҳа-то бўлмас. Энди қайсида команда олий лигага чиқиши учун кураш олиб бора-бошқа бирлари биринчи лигада қолиш учун ҳаракат қилади. Қайсилари омад-ю, қайсилари омадсиз деган саволга иккинчи даража нқоясига етган анқ жавоб олиш мумкин, албатта. Ҳозирча эса, биринчи даража ақунларига бир назар ташласан.

Йилдан-йилга олий лигага чиқиш тобора қийинлашиб борапти. Бунинг асосий сабаби — олий лигада тақриб ортирган ва катта футбол сари дадил кириб келаётган ёш командаларнинг ўзаро тенг, мурасис курашидир.

Кўриниб турибдики, турнир жадаллигининг юқори қисмига кайида етти коллектив даяво-гарлик қилаётди. Йил охирига-ча кўп кутилмаган ҳоллар бўли-ши мумкин. Қайси бири кўз-лаган мақсадга етди, ҳали номаълум.

МАСК ўзининг кўп йиллик тарихига эга. У бир неча бор мамлакат чемпионатининг ол-тин медалларига сазовор бўл-ди, СССР Кубогини кўпга ки-рипти. Унинг составида ўйна-ган футболчилар Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қи-лишди. Бу клуб сўнгги йил-ларда анча бўшашди. Олий лигада кучсизлар сафига ту-шиб қолди ва уни 1987 йил-да яна тарқ этишга мажбур бўлди. Бундан тўғри ҳулоса чиқариб олган армиячилар бултурданок кучилар сафи-га қайтишга дадил ҳаракат қила бошлашди ва мавсумни яхши ўтказиб ўчинчи ўрин билан қийоғаланишди. Бу йил эса биринчи турданок таш-бунинг ўз қўлларига олишди. Хўшмакор ўйин кўрсатган москвалилар рақиблар дар-возасини нишонга олишда ҳам олдинда боришмоқда. Ажб-эмас, бу коллектив икки йил-данмадан бирига эга бўлса,

Нафас ростламай карвонбо-шиллар сафига бораётган қо-зонистонликлар ҳақида ҳам илқ гапларни айтиш мумкин. «Қайрат» иккинчи ўринни мус-таҳкам эгаллаб олмаган бўл-са-да, ҳар қалай имкониятлари чакки эмас.

Энди севимли команدامиз «Пахтакор» ҳусусида. Бир неча йилдирки ўзбекистонлик мух-лислар командани олий лигада кўришни орзу қилишди. Бу орзу қачон ушалади — номаъ-лум. Лекин тан олиш керак, команда ўтган йилларга нис-батан яхши ўйин кўрсатди. Айниқса ярим ҳимоя ва ҳимоя қизиларининг пухталиги (энг кам тўп ўтказиб юборилганли-ги ҳам бундан далолат бериб турибди) коллектив муваффа-қиятига муносиб ҳисса қўял-ти, бироқ сафардаги сўнгги уч учрашув унинг маъкеига

бироз путур етказди. Шу мат-лар ҳақида оғина мулоҳаза юритсак, «Пахтакор»чилар Олмаоатада яхши ўйнашди, май-дон эгаларига муносиб қар-шиллик кўрсатишди. У ердан ҳеч бўлмаганда бир очко олиб қайтиш мумкин эди. Аммо уч-рашув ҳақамининг меҳмонлар дарвозаси томон ўн бир метрлик жарима тўпи белги-лаш (1) ҳаммасини ҳал қилди-қўйди. Ҳамюртаримиз вазият-ни қанчалик тушутиришга ҳаракат қилишмасин, фойдаси бўлмади. Ҳақамининг ўз вази-фасига лоқайдлиги (бошқоқа атам мумкин эмас) бир ко-манда учун қимматга тушди. Балки шу биргина очконинг қадри мавсум охирида жуда биланар.

Тюмендаги мағлубият ҳам кутилмаган бўлди. «Пахтакор»-ни изма-из таъкиб этиб кела-ётган клублар шу турда ўзиб кетишди. Ярославлдаги мат-чада Денисов иккинчи ўн бир метрлик жарима тўпини ҳам кирита олганида эди, галаба тошкентликларда кетарди. Денисов ҳатосини «Шинник» ўйинчиси Макаров тақдорла-мади ва ўз командасини мағ-лубиятдан сақлаб қолди. Яна бир очко йўқотилди. Умуман

Командаларнинг бугунгача бўлган турнир жадаллигида аҳвол:

	У	Ю	Д	М	Т	О
МАСК	21	15	3	3	57—15	33
«Қайрат»	21	12	5	4	40—17	29
«Гурия»	20	11	5	4	32—15	27
«Фанел»	21	11	5	5	27—14	27
«Динамо» Ст	21	9	9	3	30—22	27
«Пахтакор»	21	9	6	6	27—13	24
«Нистру»	21	11	1	9	22—27	23
«Ростсельмаш»	21	7	9	5	22—19	23
«Геолог»	20	10	2	8	22—21	22
«Нефтич»	21	8	6	7	21—21	22
«Торпедо»	20	9	3	8	31—29	21
«Металлург»	21	8	4	9	28—23	20
«Таврия»	20	8	4	8	31—32	20
«Котайк»	21	7	6	8	23—17	20
«Шинник»	21	6	8	7	24—36	20
«Спартак»	21	7	5	9	23—28	19
«Динамо» Бт	21	7	4	10	18—35	18
«Кубасс»	21	5	7	9	11—21	17
«Кубань»	21	6	4	11	19—38	16
АСК Р	21	4	4	13	28—42	12
«Карпати»—АСК	21	2	5	14	17—42	9
«Даугава»	21	2	5	14	12—38	9

Файзли байрам



Фоторепортаж



— Йлгари Митрофанов номидаги сув саройи ўрнида ўзимизнинг стадион бўларди, — деди сўзга чиққан Ўзе-бекистон ССРда хизмат кўр-сатган тренер Т. Ермаков. — Биз командаларига бири-лаш футбол ўйнардик. «Пах-такор»нинг танилиги ўйинчи-лари Красницкий, Стадник, Қаждорлар ана шундай ети-тишиб чиққан. Спортчи-лар табиридада бугунгидек тадбирларнинг ўтказилиши мумкин.

М. Горький номи болалар маданият ва истироҳат бо-гда ташкил этилган спорт байрамида жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари йи-гилгиллари қизгич қўлади-лар. Шундан сўнг мусобақа-лар бошланиб кетди. «Чин-гилу», «Дўстлик» ва «Вин-гилу» командаларига бир-

лашган иккинчи толар қувноқ эстафеталарда қатнашиб, барчага зақ улашдилар. Бунда Фрунзе районининг «Чингилу» коллективни го-либ деб топилди. Ёш гим-настикчиларнинг қизғин ҳам қизқарди бўлди. Тош-қутарш беллашувида А. Икромов район спорт ин-структори С. Абдуллаҳова-га омад қилиб бокди. Шу-нингдек, шахмат ва спорт-нинг бошқа турлари бўйича ҳам кучлилар аниқланди.

О. МАХМАЮСУПОВ.
СУРАТЛАРДА: спорт бай-рамидан лавҳалар.
Р. Шарипов суратлари.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТҲЙЛАР МУБОРАК!

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИНИНГ

тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослашти-рилган ва замонавий репертуарга эга бўлган

«САМО» АНСАМБЛИ

БАХТ ВА ШОДЛИК ОҚШОМИНИ КЎНГИЛДАГИ-ДЕК ЎТКАЗИШДА ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЕР!

Ансамбли кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилинишига мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар кун соат 17.00 дан маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Авиасозлар шаҳарчаси, Дисунув кўча-си, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 154, 164-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати). Метронинг «Чкалов» станциясигача борила-ди. Телефон: 96-55-81.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ҲАЙТИШ ВА КАСБГА ЙўЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тошкент «Ташстройтранс» транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг

4-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА:

прицепли ва ярим прицепли «МАЗ», «КрАЗ», «КамАЗ», «ММЗ», «ЗИЛ» маркаларидаги юк автомобилларида иш-лаш учун «В. С. Е» категорияларидаги 1, 2, 3-класс ҳай-довчилари.

Елғиз кишлар ётоқхона билан таъминланади. Ишга Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг Коммунистик районида прописида турувчи ҳайдовчилар қабул қилина-ди.

Справалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қи-линиши: Тошкент шаҳри, Космонавтар протекти, 6-уй ёни аҳолини ишга жойлаштириш Ҳамза район бўлими — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон-техника заводи базасидаги

39-ЎРТА ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-1990 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгичли приборлар ва ин-теграл микросхемаларни йиғувчилар, электрон саноат приборларини синовчилар, электрон саноат техника кон-троли бўлими контроллери;

НИГИТЛАР УЧУН: технологияларни соловчилар, радиоэлектрон апаратураларнинг монтажчилари, кенг профилдаги станокчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТЎНЖИҚ ОБЛАСТИНИНГ КАЛИНИН, ОРЖОННИКОВ ВА ЯНГИЙЎЛ РАЙОНЛАРИДА ЯШОВЧИ НИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқини мuddати — 10 ой. ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ ПРИБОРЛАР ВА ИНТЕГРАЛ МИКРОСХЕМАЛАРНИ ЙИГУВЧИ ЭЛЕКТРОН САНОАТ ТЕХНИКА КОНТРОЛИ БЎЛИМИ КОНТРОЛЕРИ, ЭЛЕКТРОН САНОАТ ПРИБОРЛАРИНИ СИНОВЧИ ИХТИСОСИДАГИ БЎЙИЧА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР УЧУН ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТ-ЛАШГАНДАН СЎНГ БОШЛАНДИ.

Бу гуруппаларда ўқувчи қизлар ҳар ойда 77 сўм ҳаж-мида стипендия билан таъминланадилар. Ўқиниш битир-ганларга ағзаллан қасби бўйича малака берилганлиги тўғрисидаги диплом берилади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқини мuddати — 3 йил.

Ўқиниш битирганларга ўрта маълумот олганлиги ва ағзаллан қасби бўйича малака берилганлиги тўғрисида-ги диплом берилади.

Ўқувчилар ўқини даврида ҳар кун 3 маҳал бепул овқат билан, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб тогган меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминлана-дилар.

Ўқиниш мuddати узлуқсиз меҳнат стажига қўшиб ҳисоб-ланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИ-ТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юрти ўқувчиларни информация ва ҳисоблаш тех-никаси фани бўйича ўқитиш «КУВТ-86» ҳисоблаш маши-насига, спорт базасига эга, Вокал-чолу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодкорлиги тўғрақлари иш-лайди.

Ўқинишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топириш лозим: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганли-ги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, 086/У формадаги медицина справкиси, турар жойдан справка, 8 дона фотосурат (4 та 3х4 см, 4 та 4х5 см, ҳажмида), ота она-сининг иш жойидан справка.

Билим юртини битирганлар база корхонасига ишга юбориладилар.

Мурожаат учун адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, «Весна» кўчаси, 17-уй (5, 12, 26, 69 «а», 183-автобусларнинг «Ўзбўм», 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фо-менко кўчаси» бекатлари). Телефон — 91-14-51.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ

17-ТОШКЕНТ ЎРТА ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ

ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, ярим автомат ва автомат машиналарида иш бажарувчи электр-газ пай-вандчилар (пайвандлаш ишлари назоратчилари), электр кўприк қраналарининг қранчиси, механика-йиғув ишлари слесари, дурадгор (қурувчи), автослесарь (8-синф базаси-да);

универсал токарь, электр-газ пайвандчи, ремонтчи-слесарь, механика йиғув ишлари слесари (10 синф базаси-сида).

Билим юртида гуруппалар спорт билан шуғулланиш назарда тутилган ҳолда комплекталанади.

Ўқинишга киришда разрядли спортчилар алоҳида им-тиёздан фойдаланадилар.

Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, спорт формаси ва кийим-бош билан таъминланадилар. Ўқиниш мuddати 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 10 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йил.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш-лаб топилган меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар (битириб чиқувчиларнинг 10 проценти)политехника ин-ститут, ҳарбий ўқув юртиларида, авиация техникумида (ўқиш давом эттиришлари мумкин. Ўқини аълочилири (автохаваскорлар тўғрагида иштирок этганлар) билим юртини тамомлагач қасб ўрганиб чиқиш билан бирга қўл-ларига «С» категориядаги ҳайдовчи гувоҳномасини олиш-лари мумкин.

Билим юрти замонавий техника ускуналари билан жи-ҳозланган хоналарга эга. Музика ва қўшиқ ихлосмандла-ри бадий ҳаваскорлик тўғрақларида машғул бўлиш-лари мумкин.

Билим юртида стадион-спорт зали мавжуд, спортнинг барча турлари бўйича секциялар ишлаб турибди.

Билим юртига кириб ўқиниш хоҳлагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари: ариза, туғилганлиги ҳақи-даги гувоҳнома, маълумот ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойи-дан ва ота-онанинг ишхонасидан справкани, медицина справкиси, 6 дона фотосурат (4х5 ёки 5х5 см), ўқини жойидан характеристика.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Қуйишев райони, Со-диқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати). Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09, 68-67-08.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

Тошкент «Қизил Тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бир-лашмаси базасидаги

48-ЎРТА ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

10-синфин тамомлаган ёшлар ва Совет Армияси сафла-рида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган Тошкент шаҳрида прописида турувчи йигитларни чет элларда ишлаб чиқарилган тикувчилик ускуналарига хизмат кўрсатувчи механик ихтисоси бўйича

1989-1990 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Кленер» француз фирмаси ёрдамида бирлашмада техника реконструкцияси амалга оширилган. Янги техно-логия ва чет эл асбоб-ускуналари жорий этилиши асо-сида корхонада кўл меҳнати тўла автоматлаштирилган.

Ёшлар 6 ой таълим оладилар, уларга ойига 70 сўм сти-пендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб тогган меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади. Ўқиниш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган битирувчи-ларнинг 10 проценти олий ўқув юр்தарининг кечки ва сиртни бўлимида ҳамда техникумларга ўқинишга кириш-лари учун йўллана берилади.

Ўқувчилар база корхонадаги санаторий-профилакторий, медицина хизматидан фойдаланадилар.

МАШЎУЛОТЛАР — ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТ-ЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНДИ.

Ўқинишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қи-линади: директор номига ариза, етукилик аттестати, яшаш жойидан справка, ота-онанинг ишхонасидан справка, ме-дицина справкиси, 4 дона фотосурат (3х4 см.). Билим юр-ти адреси: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а»/й (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 10, 17-троллей-буслар; 2, 3, 25, 60-а», 71, 80-а» автобусларнинг «Қи-зил тонг» бирлашмаси бекати). Телефон — 33-19-24.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги

РЕСПУБЛИКА ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ

ЮРТИ

1989-1990 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юрти барча йўналишдаги озиқ-овқат, саноат то-варлари бўйича юқори малакали контроллер-кассир ва со-тувчилар тайёрлайди. Бу гуруппаларга 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қи-линади.

Ўқиниш мuddати 8,5 ой.

Ўқинишга республикамиз шаҳарларида яшовчилар қабул қилинади.

Ўқиниш даври меҳнат стажига кириди.

БОШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Ўқинишга рус тилида олиб борилади. Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлган, би-тириш имтиҳонларини муваффақиятли топириган ўқув-чилар педсовет қарорига кўра, ўқиниш битириб бўлган Тошкент совет савдо техникумига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг Бош универсал магазинида ва универсаллар-да олиб борилади.

Ўқиниш кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топириди-лар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳуж-жат (асли), турар жойидан справка, таржиман ҳоли, 086/У формадаги медицина справкиси, 3х4 см. каттали-даги 6 та фотосурат, характеристика, шаҳар савдо идо-раси ва олабаст савдо бошқармасининг йўлнамаси.

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАРГА ҲАР ОЙДА 32 СЎМ СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Ота-онаси ва етим қолган ўқувчиларга ҳамда Улуғ-Ватан уруши I ва II гуруппа инвалиди фарзандларига ҳар ойда 41 сўм стипендия тўланади.

Республика хўнар-техника билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, Бобир кў-часи, 3-уй (13 ва 70-автобуслар билан «Чўпон-ота»; 4 ва 9-трамвайлар билан «Тез ёрдам медицина клиникаси» бекатларигача борилади). Телефонлар — 75-35-86, 75-35-92.

«Ташгорстрой» бошқармаси базасидаги

31-ТОШКЕНТ ЎРТА ХўНАР-ТЕХНИКА

БИЛИМ ЮРТИ

бўёқчи, қурувчи, бадий безак берувчи-бўёқчи, дурад-гор-қурувчи, дурадгор-паркетчи, газ-электр пайвандчи, қопинкор-плитачи ихтисосликлари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ